

2.2. Алоқа кабель каналлизацияси иншоотларини Ижарага берувчи куйидагиларни бажаришга мажбур:

2.2.1 Ижарага олувчига ушбу Шартноманинг 2.1.1-бандини ҳисобга олиб, норматив ҳужжатлар (НХ), техник нормалар ва коидалар, лицензияларга мувофиқ техник эксплуатация қилиш учун яроқли бўлган кабель каналлизациясини ёки кабель ётқизиш учун жойларни ижарага бериш.

2.2.2 Ўз жавобгарлиги ҳудуди чегарасида соҳа НХ ва иш режалари талабларига мувофиқ кабель каналлизациясига техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш ва профилактика қилишни амалга ошириш ва унинг ҳолатига жавобгар бўлиш.

2.2.3 Кабель каналлизацияси носозлигини бартараф этиш муддатлари ва тартибига амал қилиш.

2.2.4 Ижарага олувчи ва/ёки пудратчи ташкилотнинг техник ходимлари, вакилларига телекоммуникация кабелларини ётқизиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш учун рухсат бериш ва кўрикланадиган зонага, линия иншоотларига киришини таъминлаш.

2.2.5 Маҳаллий телекоммуникация тармоғининг кўрикланадиган зонасида ва линия иншоотларида қурилиш-монтаж, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ишларини бажараётган Ижарага олувчи, унинг вакиллари ва пудратчи ташкилот ишининг техник назоратини амалга ошириш.

2.2.6 Ижарага берилган кабель каналлизациясида Ижарага олувчининг айби билан содир бўлмаган фавқулудда вазиятлар ёки авариялар вужудга келганда баённома тузиш ва назорат муддатларида нуксонларни, аварияларни ва кейинчалик бузилиш хавфларини бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш.

2.2.7 Кабель каналлизациясидаги Ижарага олувчининг кабеллари шикастланганда далолатнома тузишда ва шикастланиш сабабларини аниқлашда иштирок этиш.

2.2.8 Ижарага олувчига ҳисобот ойининг 10-санасидан кечиктирмай кабель ётқизиладиган жойларни ижарага бериш бўйича хизматлар тўловининг ҳисобини тақдим этиш.

2.2.9 Ижарага олувчини янги таърифлар амалга киритилишидан олдинроқ, камида 20 кун илгари тарифларнинг ўзгаргани тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

2.2.10 Камида 20 кун олдин ижарага берилган телекоммуникация линия иншоотларига эгалик қилиш ўз ҳуқуқининг тўхтатилиши тўғрисида, шунингдек ўз номи, жойлашган жойи, реквизицларининг ўзгарганлиги тўғрисида Ижарага олувчига ёзма равишда олдиндан хабар қилиш.

2.3 Кабель каналлизацияси иншоотлари Ижарага олувчиси куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1 Кабель каналлизациясининг носозликларини бартараф этишни талаб қилиш.

2.3.2 Кабель каналлизациясини Ижарага берувчини олдиндан камида уч таквим ойи олдин ёзма равишда огоҳлантириб Ижара шартномасини бекор қилиш. Бунда Ижарага олувчи ижара шартномасининг барча талабларини бекор қилиш муддати гача бажаради.

2.3.3 Шартноманинг амал қилиш муддати тугагунича бутун давр учун ижара ҳақини олдиндан тўлаб қўйиш.

2.4 Кабель каналлизацияси иншоотлари Ижарага олувчиси куйидагиларга мажбур:

2.4.1 Тақдим этилган ҳисобларга, калькуляцияга ва ушбу Шартноманинг 3-бўлимидаги коидаларга мувофиқ ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш.

2.4.2 Ижара олиш ҳуқуқини асло учинчи шахсларга бермаслик.

2.4.3 Фойдаланишга берилган кабель каналлизациясидан фақат унинг вазифасига кўра фойдаланиш.

2.4.4 Кабель каналлизациясини Ижарага берувчининг вакилига ижарага олинган линия иншоотларига белгиланган тартибда киришини таъминлаш.

2.4.5 Маҳаллий телекоммуникация тармоғининг ижарага фойдаланиш учун олинган линия иншоотларини соз ҳолатда сақлаш.

2.4.6 Монтаж ва демонтаж қилиш ишларини тасдиқланган ЛСХ ва ТШга қатъий риюя қилган ҳолда амалга ошириш. Ажратилган жойда телекоммуникация кабелларини ётқизишда лойиха, ташкилий ва техник шартларни бажариш.

2.4.7 Кабель каналлизацияси ёки кабель ётқизиладиган жойларни монтаж қилиш учун телефон узелидан далолатнома бўйича қабул қилиб олиш ва ишлар бажариб бўлингандан сўнг телефон узелига келишилган муддатда далолатнома бўйича топшириш.